

Сийрат 172-дарс. Қуръон учун тушган сакина



16:48 / 11.02.2022 3341

673. Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Каҳф сурасини ўқир эди. Олдида иккита арқонга боғланган от бор эди. Уни булут ўраб, (устиди) айланганича яқинлаша бошлади. Оти ундан чўчиб қочди. Эрталаб бориб, бўлган ҳодисани Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга айтиб берди. **«Ўша Қуръон учун тушган сакинадир»**, дедилар у зот».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

674. Омир ибн Восиладан ривоят қилинади:

«Нофеъ ибн Абдулҳорис Асафонда Умар розияллоҳу анҳуга йўлиқди. Умар уни Маккага омил қилган эди. Шунда у: «Аҳли Қурога кимни омил қилдинг?» деди. «Ибн Абзани», деди. «Ибн Абза ким ўзи?» деди. «Озод қилган қулларимиздан бири», деди. «Уларга озод қилинган қулни омил қилдингми?» деди. «У Аллоҳ азза ва жалланинг Китобининг қориси, фароиз (мерос) илмининг олими. Набийингиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, Аллоҳ бу Китоб билан бир қавмларни кўтаради ва у билан бошқаларни туширади»**, деганлар», деди».

Муслим ривоят қилган.

675. Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қуръон қироат қиладиган мўминнинг мисоли уртужжага ўхшайди: ҳиди хушбўй, таъми ширин. Қуръон ўқимайдиган мўминнинг мисоли хурмога ўхшайди: ҳиди йўқ, таъми ширин. Қуръон ўқийдиган мунофиқнинг мисоли райҳонга ўхшайди: ҳиди хушбўй, таъми аччиқ. Қуръон ўқимайдиган мунофиқнинг мисоли ҳанзала(аччиқўт)га ўхшайди: ҳиди йўқ, таъми аччиқ», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Уртужжа – пўртахол(апелсин)га ўхшаш, ўзи чиройли, таъми ширин ва ҳиди хушбўй мева.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан